



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 141 (12.202)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА


Эл-юртимиз учун асрлар давомида эзгулик, соҳават, меҳр-шафқат, қаноат ва шукроналик рамзи бўлиб келаётган муборак Рамазон ойининг маънавий-руҳий ҳаётимиздаги алоҳида ўрни ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда...

- 1. 2012 йилда муборак Рамазон ойининг бошланиши 20 июль кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Нуруний», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ойини жойларда миллий анъана ва қадриятлар, урф-одатларимизга уйғун ва ҳамоҳанг тарзда ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин.
3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклянсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 17 июль

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги тобора яқинлашмоқда. Ушбу қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда амалга оширилган оламшумул ишларни, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиш ҳар биримизга чексиз гуруҳ, завқ-шавқ бағишлайди.

Айни дамларда мустақиллигимизнинг йигирма бир ёшینی муносиб нишонлаш мақсадида республикамизнинг турли ҳудудларида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жойларда ободонлаштириш ишлари авж олган бир пайтда ушбу қутлуғ санани муносиб кўтиб олиш мақсадида замонавий иншоотлар, турар жойлар, таълим даргоҳлари қуриб битказилмоқда. Пойтахтимиздаги истироҳат боғлари одамлар билан гавжум, уларда кўтаринки руҳ, байрамона кайфият ҳукм сурмоқда.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БОҒДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

ларимизни яқинлашиб келаётган Энг улуғ, энг азиз байрам билан чин дилдан муборакбод этди. Тадбир доирасида ҳар бир туман мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда коммунал соҳаларда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди.
Кекса отахон ва онахонларимиз учун давра тўрида нозу неъматлар билан тўлдирилган дастурхон ёзилди. Бир пийёла чой устида қизгин суҳбатлар, дилтортар куй-қўшиқ, миллий рақслар тадбирга йиғилган ёшу қарини бирдек хушнуд этди.
Мурод ака ана шу кўтаринки руҳда ўтаётган байрам иштирокчиси эканлигидан жуда мамнун.
— Байрам тантанасига турмуш ўртоғим, қизим, куёвим ва 4 нафар неварам билан келдим, — дейди Мурод ака. — Бугунги саҳна чиқишлари, жозибали куй-қўшиқ ва рақслар мен ва оиламнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Бундай тадбирларнинг иш кунларидан кейин ҳар шаба кунлари ташкил этилаётгани кўпчилик учун айни муддаодир.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

риш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини жадал ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастурлари тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш таъминланмоқда. Жорий йилнинг I ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,1 фоизни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми — 7 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми — 7,1 фоизни, қурилиш ишлари ҳажми — 8,6 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз микдорда профици билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ортик бўлмади.
Ички талабни мувозанатли рағбат-

лантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини давом эттириш ҳамда маҳаллий товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчиларни ривожлантиришнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми — 25,7 фоизга, чакана товар айланмаси — 12,5 фоизга ва хизматлар — 14 фоизга ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳаси улуши 2011 йилнинг I ярим йиллиги якунлари бўйича 48,3 фоиз ўрнига 52,2 фоизгача ўсди.
«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ёш оилалар ва оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, оила соғлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини ривожлантириш, баркамол

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА


- Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунининг Наманган вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.
• Андижонда давлатимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган «Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!» шиори остида аёллар спорт фестивали бўлиб ўтди. Спорт фестивалининг вилоят bosқичида 350 нафарга яқин хотин-қиз волейбол, шахмат, стол тенниси, сузиш, енгил атлетика, гимнастрада бўйича ўз маҳоратини синовдан ўтказди.
• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Хурлиман» ансамбли анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг мамлакат bosқичига йўлланма олди.
• Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Ҳасанов Шохнур Боқиевич» хусусий корхонасида сифатли ва арзон пластмасса яшиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни кунда мазкур корхонада сигими 4 килограммдан 15 килограммгача бўлган беш турдаги яшиқлар тайёрланмоқда.
• Самарқанд шаҳрида Жиззах вилоятининг Зомин тумани сайёҳлик инфратузилмасини ривожлантириш, бунинг учун инвестицион лойиҳаларни тақдим этиш ва қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.
• Бухоро вилояти Қоракўл ва Олот туманларининг 32 минг гектар экин майдонини сув билан таъминлайдиган «Қоракўл насос станцияси»да реконструкция ишлари амалга оширилди. Натижада 6 та агрегат орқали экинзорларга бир сонияда 36 куб метр сув узатиш имконияти юзага келди.

ЖАҲОНДА

- Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навабтдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтининг нархи 0,05 долларга кўтарилиб, бир баррели 103,60 долларни ташкил этди.
• АҚШлик мутахассислар гилдиракли робот-музлатгич яратдилар. Хабарларга қараганда, махсус радиопульт ёрдамида бошқариладиган ушбу қурилма инсталган томонга бурилиш ҳамда ичимликларни хўжайинига узатиш имкониятига эга. Зарур ҳароратнинг сақланиши учун музлатгичга махсус резина клапан ўрнатилган. Айни пайтда мутахассислар бундай роботларни кенг ишлаб чиқариш лойиҳаси устида иш олиб бораётирлар.
• Австриялик машҳур дизайнер Габор Орсос сувда ҳаракатлана оладиган ҳашаматли уй лойиҳасини яратди. Лойиҳа муаллифининг айтишича, ушбу уйда бир вақтнинг ўзида ўн икки нафар меҳмонни қабул қилиш мумкин. Сузадиган мазкур уйни барпо этиш учун қарийб ўттиз саккиз миллион АҚШ доллар микдорда маблағ сарфланши кутилмоқда. Габор Орсоснинг ишланмасига қўллаб-қувватлаш, жумладан, Австралия, АҚШ, Канада ва Хитой фуқаролари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда.
• Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, 2016 йилга бориб евровалюта амал қиладиган қарийб барча мамлакатларда ишсизлар сони тўрт ярим миллионга ортиб, йигирма икки миллион кишини ташкил этиши кутилмоқда. Экспертларнинг сўзларига кўра, бу мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш, кредит ажратиш микдорини кўпайтириш, тадбиркорлар фаоллигини янада ошириш орқали ушбу муаммонинг олдини олиш мумкин.
• АҚШнинг «Форд мотор» корпорацияси мамлакат бўйлаб 2012 йилда ишлаб чиқарилган 150 мингга «Форд Фокус» русумли автомобилларини қайтариб олишини маълум қилди. Маълумотларга кўра, мазкур машиналарнинг электромотор изоляциясида техник носозлик аниқланган.

ҚИСҚА САТРАДАРДА

- Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.
• БУГУН Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Сифатли тиббий хизмат: унда ким қандай имтиёзга эга?» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.
• УЧТЕПА туманидаги Абдулла Қодирий маҳалласида ўтказилган давра суҳбати «Тақдиримсан, бахтимсан эркин ва обод Ватан!» деб номланди.
• ЭРТАГА «Камолот» ЁИҲ Чилонзор туман Кенгаши томонидан «Бешёғоч» маҳалласида истиқомат қиладиган ёшлар учун «Сиёсий саводхонлик» ўқув машғулоти ўтказилади.
• «ЯГОНАСАН, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний bosқичи Ички ишлар вазирлиги Маданият саройида бўлиб ўтади.



(ЎЗА) олган суратлар

Ёз — ўтмоқда соз

ОРОМГОҲДА «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИР

Бугунги кунда юртимиздаги кўплаб мактабларда болажонларимизнинг ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун кундузги дам олиш оромгоҳлари ташкил этилган. Уларда турли ёздаги ўқувчилар ҳордиқ чиқармоқдалар.

Ана шундай оромгоҳлардан бири, Юнусобод тумани, «Дўстлик» маҳалласида жойлашган 122-умумий ўрта таълим мактабида фаолият кўрсатмоқда.

Оромгоҳда 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар ҳордиқ чиқармоқда. Қолаверса, иккимой ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандларига мактаб фонди томонидан маблағ ажратилган бўлиб, бунинг натижасида болажонлар имтиёзли дам олиш имкониятига эга бўлаётирлар.

— Бундай кувнок эстафеталарнинг ўтказилишидан асосий мақсад ўқувчиларга она Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат туйғусини синдириш, қолаверса, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оиланинг мустаҳкам бўлишида спорт ва жисмоний тарбиянинг ўрни ва аҳамияти қанчалар муҳим эканини тушунтиришдир, — дейди оромгоҳ раҳбари Муборак Нурматов.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДА

Буюк Ипак йўли жаҳон тамаддунининг улкан ютуқларидан бири бўлиб, у инсоният тарихида дастлаб Шарқ ва Ғарбни ўзаро бирлаштирган.

Буюк Ипак йўли фақат турли товарлар ташилладиган йўл бўлиб қолмасдан, у кўп қиррали маънавий қадриятлар манбаига ҳам айланди. Бундан 10 йил аввал «Маданият қарвонсаройи» ўзбек-япон илмий-иждоий марказининг ташкил топиши ҳам аини мудоао бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йилдаги қарори билан бу даргоҳ «Халқаро маданият қарвонсаройи» мақомига эга бўлди.

Халқаро Маданият қарвонсаройи бугунги кунда Ипак йўли анъаналарининг қайта тикланишига, ўзаро ҳурмат, халқаро бағрикенглик асосида маданиятларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Булардан ташқари, бинода иккита музей зали жойлашган. Уларда Ўзбекистонда олиб борилган тарихий ёдгорликлар, қазилма бойликларни излаш чоғида топилган ноёб ашёлар намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия илмий-текшириш институти нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиёдаги энг кекса тадқиқот ўчоқларидан бири ҳисобланади.

ГАЛАКТИК АСТРОНОМИЯДАН ЎҚУВ КУРСЛАРИ

Фаол ядроли галактикаларнинг замонавий асбоб-ускуналари ёрдамида мониторинги муваффақиятли ўтказилмоқда. Шу билан бирга институти учун анъанавий бўлган мавзулар буйича ҳам жиддий изланишларга қўл урилди.

олимлари жалб қилинган махсус машгулотлар ҳам самарали бўлмоқда. Университет ҳузуридаги халқаро ЮНЕСКОнинг физика ва астрономия кафедраси учун уюштирилган «Гелиосейсмология» буйича махсус курсга кўплаб тингловчилар жалб қилинди.

Мутахассис маслаҳати

ОВҚАТЛАНИШ МЕЪЁРИНИ УНУТМАНГ

Инсон ҳаёти овқатланиш билан узвий боғланган. Агар одам маълум тартибда овқатланса, танадаги модда алмашинуви тўғри кечади, киши ҳар хил касалликларга чалинмайди, ўзёқ умр кўради ва ҳормай-толмай меҳнат қилади.

Агар одам овқатланиш тартибига узоқ вақт эътибор бермаса, меъёр бузилса тананинг жисмоний фаолияти пасайиб кетади, бундай кишилар арзимаган сабаблар билан турли касалликларга дучор бўлади.

Истеъмол қилинадиган овқат миқдори кишининг ёшига, вазнига, меҳнатнинг оғир-енгиллигига, яшаётган жойининг иқлим шaroитига қараб ҳар хил бўлади. Ўзбекистоннинг иссиқ иқлими шaroитида танада сарф бўладиган овқат моддалари миқдори ва сифати бошқа иқлим шaroитидан фарқ қилади.

Организм оқсилни овқатдан олади. Оқсиллар, ўз навбатида, қимматли ва қимматсиз турга бўлинади. Қимматли оқсилларга хайвон маҳсулотлари — гўшт, тухум, балик, сут ва сут маҳсулотлари, шунингдек, оқсилга бой дуккакли ўсимлик маҳсулотлари — мош, нухат, гуруч, ловия ва бошқалар қиради.

Абдувахоб ТОҲИРИЙ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти «Соғлом турмуш тарзи» кафедраси катта ўқитувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми? Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми? Унда шошилиб таваккал қилманг. Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага соғуришингиз мумкин.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей томонидан 2010 йил 5 июлда Жалилов Ҳаёт Азизович номига берилган 339 рўйхат рақамли L №100599 сонли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ОЗ-ОЗ ЎРГАНИД ДАМО БИЎИР

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Шунақа ғаму ташвишлар борки, ҳеч ким таскин беролмайди. * * * Кулги билан йиғи ака-ука дейишади. Чиндан ҳам, қувончу қайғу ҳаммаша ёнма-ён юради. * * * Бировнинг ҳақиқати бошқани қизиқтирмайди. * * * Ўзини билган бировдан гина қилмайди. * * * Бир нодонга гап таъсир қилмайди, бир худбинга. * * * Бефаҳм ҳар бир сўзюю қилиғи билан кўнглингни қолдиради. * * * Йўқотилган вақт зарралари бир кунни тош бўлиб бошинга тушади. * * * Асл ҳолида кўрсанг, кўп нарсадан кўнглинг қолади. * * * Тил — дилнинг душмани. * * * Ёшлиқни эслашнинг ўзи қариётганингдан дарак. * * * Бировни беҳуда умидвор қилиб яшашдан ёмони йўқ. * * * Нимага қаттиқ интилсанг, айнан ўшанга интипиш қийин бўлади. * * * Уйку қочса, тун йилдан узоқ туюлади. * * * Ҳар ким ўзидан келиб чиқиб гапирари. * * * Ўқиганинг эмас, ўзлаштирганинг қолади. * * * Ночорга пул билан ёрдам қилгандан кўра унга пул топиш йўлини ўргатиш керак. * * * Кимда режа мўл, кимда хомхаёл. * * * Сирнинг умри қисқа. * * * Вазият ҳам баъзан қутилмаган воқеаларга сабаб бўлади. * * * Инсон табиати шундай яратилганки, яхшилиқни тезда унутиб, ёмонликни узоқ вақт ёдда сақлайди. Ҳолбуки, ёмонликни дарҳол унутиб, яхшилиқни эслаб, хуш-хурсанд яшашга нима етсин!

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей томонидан 2010 йил 5 июлда Жалилов Ҳаёт Азизович номига берилган 339 рўйхат рақамли L №100599 сонли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 июлда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарarli моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоз кўнайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.